

Ўзбекистон: Махбуслар қийноққа солинмоқда, адвокатлар сукутга мубтало қилинган

Янги фактлар кафолатларнинг йўқлигига гувоҳлик беради

(Берлин, 13 декабр 2011 й.) – Ўзбекистон ўз адлия тизимида қийноқларга барҳам бериш ваъдасини бажармади. Электрошок билан қийнаш, бўғиш ҳали ҳам давом этмоқда дейилади бугун эълон қилинган Хьюман Райтс Вотч ҳисоботида.

Катта дабдаба билан қабул қилинган кафолатларга қарамасдан Ўзбекистонда қийноқлар тўхтамади. Кафолатлар амалга ошмади. Ғарб ҳукуматлари авторитар марказий осие режимлари билан яқинлашиш андишасида ҳуқуқ бузилишларига амалда кўз юммоқда.

104 варақли ҳисобот [«Гувоҳлар қолдирилмади .Қийноқлар, ишламаётган habeas corpus ва Ўзбекистонда мустақил адвокатуранинг тугатилиши.»](#) деб номланди.

Ҳисоботда мазлумлар тилидан янграган ёпиқ мамлакатдаги оммавий инсон ҳуқуқлари бузилишлари ҳақида гувоҳликлар бор. Бу мамлакат мана 10 йилдирки БМТнинг қийноқлар бўйича экспертлари учун ёпиқ. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари фаоллари турмаларда жазо ўтамоқда, мустақил фуқаровий жамоатчилик шафқатсиз тарзда бостирилмоқда.

«Ўзбекистон бу инсон ҳуқуқлари вазияти ўта аянч бўлган яккамоҳов мамлакат эканлигини Ғарб ниҳоят англаши ва мушоҳада қилиши керак. Афғонистонга қўшни бўлиш расмий Тошкентга қийнаш ва репрессия қилиш каби даҳшатли амалиёт учун индугенция бермаслиги керак», дейди Хьюман Райтс Вотч ташкилотининг Ўзбекистон бўйича ходими Стив Свердлов.

Бу ҳисобот қийноқлардан азият чеккан 100дан ошиқ мазлум билан суҳбатларга асосланди. Қийноқ қурбонларининг яқинлари, адвокатлар, ҳуқуқ ҳимоячилари, олимлар ва мулозимлар билан Ўзбекистонда 2009 – 2011 йилда суҳбатлар қилинди.

Қийноқлар Ўзбекистон учун сурункали муаммога айланиб бўлди. Бу ташҳис 2002 йилда диний эътиқоди учун қамалган маҳкумнинг ўлиmidан кейин халқаро ҳамжамият муносабатининг мазмуни бўлган эди.

Диний «экстремизм»да айбланган бу маҳкум, экспертлар хулосасига кўра, [қайноқ сувда бўқтирилиш](#) оқибатида ўта ваҳший режими боис номи чиққан колонияда ўлган.

Бу ўлим БМТ қийноқлар бўйича маърузачиси тарафидан Ўзбекистонда «Оммавий» ва «систематик» характерда деб чиқарилган хулосага кўргазмали мисол бўлди.

Бундан кейин ҳам Ўзбекистонда бундай қийноқлар воқеликнинг бир қисми бўлиб қолаверди. Хьюман Райтс Вотч бир фаолнинг сўроқ пайтида устидан қайноқ сув қуйиилгани ва резина тўқмоқ билан дўппослангани фактини ҳужжатлаштирди.

Сув тўлдирилган баклашка билан уриш, пластик халта ёки противогаз билан бўғиш, оёғи ё кўлидан осиб қўйиш каби қийноқлар ҳам ҳужжатлашган.

Кўп холларда махбусларнинг зўрлангани ва жинсий таҳқирланганига оид исбот далиллар мавжуд.

Хьюман Райтс Вотчнинг аниқлашича Ўзбекистонда феълан, мустақил адвокатура йўқ қилинган.

Бир неча мурасисиз адвокатлар лицензиядан мосуво қилинган. Маҳбуслар адвокат талаб қилганида рад жавоби олишмоқда.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини поймол қилиш ва репрессия авж пардада давом этаётганига қарамасдан АҚШ ва Европа Иттифоқи ҳамда баъзи етакчи европа давлатлари сўнгги йилларда расмий Тошкентга нисбатан инсон ҳуқуқлари борасидаги позицияларини қаттиқ сусайтиришди.

Улар Афғонистондаги НАТО контингентига юк элтадиган ҳудуд сифатида стратегик муҳим бўлган Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари аҳволига панжа орасидан қарашни маъкул кўришмоқда.

Европа Иттифоқи 2009 йилда Ўзбекистонга жорий қилган [санкцияларни](#) бекор қилган эди.

2011 йил сентябрда АҚШ Конгресс жорий қилган чекловларни айланиб ўтиб Ўзбекистонга ҳарбий ёрдам доҳил кўмак бера бошлади.

Ўзбекистон жанубидаги Термиз базасини ижарага олган Германия Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари борасида ўз нуқтаи назарини расман ифода қилишдан бўйин товламоқда.

Ноябр ойида расмий Тошкент билан сўзлашувларда Британия ўз ҳарбий юқларини Афғонистонга Ўзбекистон орқали ўтказиш имконини сўради.

Хьюман Райтс Вотч АҚШ, ЕИ ва бошқа етакчи давлатларни БМТ қошида Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари вазиятини таҳлил қиладиган махсус механизм яратиш тадбирини қўллаб қуватлашга чақирди.

Ўзбекистонда қийноқларни амалга оширган мулозимларга нисбатан адресли чоралар кўриш лозим. Уларнинг банклардаги ҳисобини музлатиш, стоп листлар воситасида уларнинг саёҳатларини чеклаш шулар жумласидандир.

Ҳисоботда маҳбус Абдуманноп А нинг рафиқаси айтган ҳикоя ҳам ўрин олган. (гувоҳ ҳимояси учун исм ўзгартирилди)

Эри жосусликда айбланган бу ўз турмуш ўртоғининг 2008 йил давомида ва қисман 2009 йилда Тошкентдаги тергов изоляторида сурункали калтаклангани ҳақида гапирди.

Уни кўлидан қайириб шифтга осиб кўйишган. Кейин 8 ёки 9 киши уни навбат билан калтаклаган. Мен эримни кўрганимда унинг осилганини билдим. Яра излари бор эди. У бир неча марта тергов пайтида қамоқ нозирлари игна олиб келишгани ва бу игнани тирноғи орасига тикишганини гапириб берди. Бир марта камерада қамоқ нозирлари уни кишанлаб жинсий олатини газета ёқиб куйдиришган. Оқибатда у иккинчи даражали куйиш олган.

Хьюман Райтс Вотч шунингдек 18 яшар ўғли 2010 йилда кўчадаги муштлшувга «гувоҳ» сифатида ҳибсга олинган аёл билан ҳам суҳбатлашди. Аёлнинг айтишича, ўғлига противогаз кийдириб, ҳаво кирадиган жойини бекитиб кўйишган. Милиция ходимлари бу

йигитдан, муштлашув жойида яна бир ўспирин бор эди деган ёлғон гувоҳликни қийноқ эвазига қўл қўйдириб олишган.

2008 йили Ўзбекистонда катта дабдаба ва кўз кўзлаш билан habeas corpus – ҳибсга олишнинг суд тарафидан кўриб чиқилиши тизимини жорий қилишди. Кейинроқ суъистемолчиликларни олдини олишга қаратилган бошқа қонунчилик ислохотлари ҳам қилинди. Европа Иттифоқи ва бошқа аъзо давлатлар бу ҳолатни «тараққиёт» белгиси деб билиб Ўзбекистонга жорий қилинган санкцияларни бекор қилиш учун асос қилиб олишди.

Аслида habeas corpus жорий қилинганидн кейин қийноқлар ва инсон ҳуқуқларини поймол қилишлар билан боғлиқ вазият яхши томонга ўзгармади. Баъзи ўринларда аҳвол янада ёмонлашди, дейилади Хьюман Райтс Вотч ҳисоботида.

«Милиция ва қамоқхоналарда қийноқлар авж олаётган пайтда ислохотлар ҳақида гапириш – бу мутлақо прогресс, эмас дейди - Стив Свирдлов. – Токи президент Ислам Каримовдан бошлаб барча мулозимлар расман жамоатчилик олдида муаммо кўламини очик тан олиб гапирмагунча вазият ўзгармайди. Ўзгаришлар учун Ўзбекистон ўз зиммасига олган халқаро ҳуқуқкий мажбуриятларини пайсалга солмасдан бажармоғи лозим».

Habeas corpus ҳибсга олинганларни суъистемолчиликлардан қийноқ ва таҳқирдан ҳимоя қилиш учун ўта кам иш қилди.

Хьюман Райтсга гапирган ўзбек адвокатларига кўра, судлар аксарият ҳолда прокуратуранинг ҳибсга олиш ҳақидаги қарорини тинчгина бажариб қўя қолади.

Прокуратура тақдим қилган айблов формулировкасини сўзсиз тасдиқлайди ва мустақил кўриб чиқмайди. Адвокатлар назарида, habeas corpus ҳозирча Ўзбекистондаги маҳбусларга қийноқлар ва таҳқирли муносабатлардан ҳимоя қилувчи кучли қалқон бўла олмади.

Ўзбекистонда habeas corpus кўриб чиққунга қадар ҳибсда бўлиш 72 соатни ташкил қилади. Бу инсон ҳуқуқлари нормаси белгилаганидан анча кўпдир.

habeas corpus эшитувлари жамоатчилик учун ёпиқ режимда ўтади. Бу эса адолатга бўлган асосий ишонч калити йўқолишига олиб келади.

Хьюман Райтс Вотчининг аниқлашича, милиция ва миллий ҳақфсизлик идораларидаги мулозимлар айбланувчи, гувоҳ ёки учинчи бир шахсдан қийноқ эвазига кўрсатма олишни суд тергов самарадорлигини оширадиган эффектив зарур восита деб билишади.

2005 йилда Андижонда ҳукумат кучлари нисбатан қуролсиз бўлган юзлаб намоёнчиликларни [отганида](#)н кейин авж олган қийноқларни текшириш имкони кундан кун камайди.

Қийноқларни ҳужжатлаштирмоқчи бўлган фаоллар қамоққа ташланиб ўз таналарида қийноқ ва таҳқир нима эканлигини сезишди.

Халқаро кузатувчилар ёки халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотларига мамлакатда ишлашга [изн берилмади](#), тегишли рухсат расмийлаштирилмади.

Адвокатларни ҳукумат изнига бўйсундириш маъракасида мустақил адвокатлик уюшмалари тугатилди.

2009 йилнинг январда қабул қилинган адвокатурани ислоҳ қилиш қонуни адвокатлар уюшмаларига барҳам берди. Адвокатлар палатаси номи билан очилган идора аслида адвокатлар устидан давлат назоратини олиб борадиган воситага айланди.

Барча адвокатлар имтиҳон топшириб қайта лицензия олишга мажбур бўлдилар. Аини пайда ҳар бир адвокат уч йилда бир марта малака имтиҳони топширишга маҳкум.

Янги қонун Ўзбекистон конституцияси ва халқаро стандартларга зид келади.

Адвокатларнинг ҳукуматга бўйсунishi амалда ҳимоя тизимини йўққа чиқарди, дейилади .Хьюман Райтс Вотч ҳисоботида.

Адвокатлик лицензиясидан мосуво қилинган бир нечта адвокат қийноқлар масаласни кўтарган эди.

Хьюман Райтс Вотч Ўзбекистон ҳукуматини қийноқларни тўхтатишга чақиради. Ҳукумат habeas corpusни адлия тизимиға самарали тадбиқ қилинишини таъминлаши лозим. Процессуал ҳуқуқ жаҳон стандартларига уйғун бўлиши ва адвокат танлаш ҳамда адвокатларнинг мустақил бўлиши кафолатланиши лозим.

«Ўзбекистонда қонунчилик соҳасида тараққиёт бор деб айтиш, абсурд яъни ҳақиқатнинг тескариси бўлур эди, дейди Стив Свeрдлов. Бир қанча мустақил ва муросасиз адвокатлар маслагидан айрилди. Ташқи аралашувларсиз, ҳукуматнинг босимиға қарамасдан мустақил ишлай оладиган адвокатларсиз Ўзбекистон адлия, ИИБ, МХХ ва жазони ижро қилиш тизимининг ич ичига эпидемия каби ёйилган қийноқлар муаммосига ечим топа олмаймиз.».

Ўзбекистонга оид барча маълумотлар рус тилида:

<http://www.hrw.org/ru/europecentral-asia/uzbekistan>